

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАСУЛОВ ФАХРИДДИН ФАХМУДДИНОВИЧ

**ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ШИРИН ҚАЛАМПИР НАВЛАРИНИ
ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Расулов Фахриддин Фахмуддинович

Такрорий муддатда ширин қалампир навларини танлаш ва етиштириш
технологиясининг элементларини такомиллаштириш 3

Расулов Фахриддин Фахмуддинович

Подбор сортов и совершенствование элементов технологии
возделывания перца сладкого при повторной культуре 19

Rasulov Fakhriddin Fahmuddinovich

Sweet pepper varieties selection for second cropping and it's cultivation
agrotechnology elements development 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 37

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАСУЛОВ ФАХРИДДИН ФАХМУДДИНОВИЧ

**ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ШИРИН ҚАЛАМПИР НАВЛАРИНИ
ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (разюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хакимов Рафикжон Абдунабиевич қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Дусмуратова Саодат Исмаиловна қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Акрамов Умидилла Икрамджанович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси 2 уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag_info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий бино, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533506 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича энг оммабоп ва талабгор сабзавот экинларидан бўлган қалампир етиштирилаётган майдонлар 1,933 млн. гектарни ташкил этиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 16,1 тоннани, ялпи ҳосил 31,131 млн. тоннани ташкил этади. Бир неча йиллардан буён Хитой (15,823 млн. т.), Мексика (2,294 млн. т.), Туркия (2,159 млн. т.), Индонезия (1,726 млн. т.) давлатлари қалампир етиштириш бўйича дунёда етакчилик қилмоқда¹. Ҳозирги кунда жаҳоннинг мўътадил табиий-иқлим шароитига эга давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, мавжуд суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланган ҳолда минтақа иқлимидан келиб чиқиб, такрорий экин сифатида ширин қалампир етиштиришда самарали агротехнологияларни қўллаб етиштириш орқали ушбу экин ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда мўътадил иқлим шароитига эга, узун илиқ кунли Жанубий Европа, Марказий ва Жанубий Осиё, Жанубий Америка, Австралия минтақаларида жойлашган давлатлари қишлоқ хўжалигида такрорий сабзавот экинларини экиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ширин қалампирга бўлган талабни тўла қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ушбу экинни такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини такомиллаштириш, бунда энг мақбул экиш муддати, ўсимликнинг озиқланиш майдонини аниқлаш, товарбоп ва серҳосил нав ва дурагайларни танлаш борасидаги тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш ҳамда такрорий экиндан олинадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини юкори бўлиши таъминланади.

Республикамызда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишлар аста-секин ўз самарасини бермоқда², жумладан, сабзавотчилик соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, ширин қалампир экин майдонларини кенгайтириш, ушбу экин ҳосилдорлигини ошириш ҳамда янги нав ва дурагайларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида аҳолини витаминларга бой ширин қалампир маҳсулоти билан тўла таъминлашга эришилди. Шу билан бирга, мавжуд суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида, такрорий экин сифатида ғалладан бўшаган майдонларда ширин қалампир етиштириш технологиясини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон

¹ <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

² <http://www.president.uz/nutqlar>

Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида «...пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот экинларини экиш, ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада ғалладан бўшаган майдонларга ёз ойларининг бошидан то кузнинг охиригача бўлган даврда такрорий экин сифатида ширин қалампир экиб, бир йилнинг ўзида икки марта ҳосил етиштиришнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сонли «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ширин қалампирни етиштириш технологиясини такомиллаштириш борасидаги кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларига S.Norma (АҚШ), Г.С.Гикало, В.А.Букина, Н.П.Биткова (Россия), Б.М.Амиров, Ж.С.Амирова (Қозоғистон), П.Г.Джуров, М.Қорабоев, В.О.Серкова, Ш.Т.Мамадалиев, Т.Қ.Холмўминов (Ўзбекистон) каби олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бироқ, ширин қалампирни такрорий муддатда ўрганиш ишлари биз томонимиздан илк бор амалга оширилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлар режасининг ҚХА-9-036-2015. «Томатдош ва илдизмевали сабзавотларнинг янги районлашган ва истиқболли навларидан қурғоқчиликка, иссиқликка чидамлиларини танлаш ҳамда турли экиш усуллари орқали ресурстежамкор технологияларни методологияси» (2015-2017 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республиканинг марказий минтақасининг бўз тупроқларида ширин қалампирни бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида етиштириш учун нав ва дурагайларини танлаш, кўчат тайёрлаш усули ва ёши, мақбул экиш муддатлари ҳамда схемаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

такрорий муддатда бошоқли дон экинларидан сўнг етиштиришга мос ширин қалампир нав ва дурагайлар намуналарини танлаш;

ширин қалампир кўчати тайёрлаш усулининг ўсимликлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш;

ширин қалампир кўчати ёшини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ширин қалампирни бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида етиштиришда экиш муддатларини ўсимликни ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш;

такрорий муддатда ширин қалампирдан юқори ва сифатли ҳосил олишда энг кулай экиш схемаси ва ўсимлик озикланиш майдонини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ширин қалампирнинг 28 та навлари, 10 та F₁ биринчи авлод дурагайлари, уларнинг ўсимликлари, мевалари, илдизи, поя ва барглари олинган.

Тадқиқотнинг предмети такрорий экин сифатида бошоқли дон экинларидан сўнг ширин қалампир навлари ва дурагайларини танлаш, синаш, 3 та экиш муддатлари, 6 та экиш схемалари, 2 ҳил кўчат етиштириш усули, 2 ҳил кўчат ёши ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси», «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур», «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» ва бошқа услубларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуги ёрдамида статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий муддатда ширин қалампирнинг 28 та нав намуналари ва 10 та F₁ дурагайларининг, ушбу муддатда етиштиришга мос, эртапишар, ҳосилдор, мева сифат кўрсаткичлари юқори ҳамда иссиқликка чидамли турлари танланган;

ширин қалампирни такрорий экин сифатида бошоқли дон экинларидан сўнг етиштиришда ўсимликни ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда мақбул экиш муддатлари аниқланган;

ширин қалампирнинг ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этувчи кўчат тайёрлаш усули ва ёши аниқланган;

ширин қалампирни бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида етиштиришда ўсимликни ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига самарали таъсир этган энг мақбул экиш схемаси аниқланган;

ширин қалампирнинг нав намуналарини ўрганиш натижасида танлов усули билан янги «Маржона» нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Республиканинг марказий минтақаси бўз тупроқли шароитида такрорий муддатда ширин қалампирнинг

нав намуналари ва дурагайлари ўрганилиб, ушбу муддатда етиштиришга мос, эртапишар, ҳосилдор, мева сифат кўрсаткичлари юқори, иссиққа чидамли «Зумрад», «Сабо», «Юлдуз», «Шодлик», PP10676, D11200, D08018 нав намуналари, Adriatico F₁, Figaro F₁, Vedrana F₁, Dovras F₁ ва Pkocraft F₁ дурагайлари танланган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Ширин қалампир кўчатларини озикали тувакчаларда тайёрлаш усули, 55-60 кунлик кўчат ёши ва 20 июндан 1 июлгача бўлган энг мақбул экиш муддатлари ишлаб чиқилган ва маҳсулот етиштириш учун тавсия этилган.

Ширин қалампирдан юқори сифатли мева ва ҳосил олиш имконини берувчи энг мақбул 70×20, 70×40/2 ва 70×50/2 см экиш схемалари-озикланиш майдони аниқланган.

Ширин қалампирнинг янги «Маржона» нави яратилган ва Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига синаш учун топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Дала тажрибалари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистика таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан таққослангани, шунингдек, тажриба натижаларининг ЎЗР ОАК томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилгани, тадқиқот натижалари сифатида янги ширин қалампир навининг яратилгани ва Давлат синовига топширилгани, олинган самарали натижаларни амалиётга, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини Республиканинг марказий минтақаси бўз тупроқли шароитида бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида ширин қалампир нав намуналарини ўрганиш, танлаш, ёзги муддатда экиш учун мос кўчат тайёрлаш усулини ва ёшини аниқлаш, энг мақбул экиш муддати ва схемасини аниқланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такрорий муддатда ширин қалампирни маҳаллий ва чет эл мамлакатларидан келтирилган 38 та нав намуналари коллекцияси ичидан такрорий муддат учун мақбул маҳаллий ва чет эл нав ва дурагайлари танланган, ҳосилдорликка катта таъсир этувчи омиллардан экиш муддати, кўчат ёши, тайёрлаш усули ва навни тўғри белгилаш орқали ҳосилни 116,3-123,3% гача оширишга эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Такрорий экин сифатида етиштиришга мос ширин қалампир нав ва F₁ дурагайлари танлаш

ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Такрорий муддатда сабзавот ва картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси» бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 октябрдаги №02/22-517-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома деҳқон ва фермер хўжаликларида ширин қалампирни такрорий муддатда етиштириш ҳамда мавсум давомида бир майдондан икки маротаба ҳосил олиш орқали қўшимча даромад олишга хизмат қилган;

ширин қалампирни такрорий экин сифатида етиштириш агротехнологияси Андижон, Наманган, Фарғона, Самарканд ва Тошкент вилоятларида сабзавотчилик фермер хўжаликларида жами 78,4 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 октябрдаги №02/22-518-сон маълумотномаси). Натижада, ширин қалампирни озиқали тувакчаларда етиштирилган кўчатлардан фойдаланилганда гектаридан 25,4-28,3 тонна ҳамда 70×40/2 см экиш схемаси қўлланилганда гектаридан 24,2-25,5 тонна ҳосил олишга эришилган;

қимматли хўжалик ва биологик белгилари юқори бўлган хориждан келтирилган «D08018» (ISPN08-04 or 0636-6056) линияси асосида танлов усули билан ширин қалампирнинг янги «Маржона» нави яратилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2017 йил 2 октябрдаги №53/4-445-сон маълумотномаси). Янги «Маржона» нави андоза навларга нисбатан устунлигини намоён этган ҳолда бир тупдаги мевалар сони 8,3 дона ва ҳосилдорлиги гектаридан 34,8 тоннани ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг дала тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 3 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш эълон қилинган, ЎзР ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, республика журналларида 4 та ва 2 та тавсияномалар нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Такрорий экиннинг аҳамияти, ширин қалампир навларини танлаш, экиш муддатлари ва схемаларининг ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи бобида такрорий экинни етиштиришнинг аҳамияти, ширин қалампир янги навларининг яратилиши, унинг таснифлари, турли нав намуналари ва дурагайлариининг ўрганилганлик ҳолати, турли минтақа ва давлатлар тупроқ иқлим шароитида экиш муддатлари, озикланиш майдонларини белгиловчи схемалари, энг самарали кўчат ёшлари тўғрисида маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлардан олинган маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити, услуби ва объекти»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказиш жойи, тупроқ иқлим шароити, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, ўтказиш услуби, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар, ўлчовлар, ҳисоблашлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Ширин қалампир нав намуналари ва F_1 дурагайлари тўпламларини ўрганиш ҳамда такрорий муддатда етиштиришга мосларини танлаш»** деб номланган учинчи боби, биринчи **«Ширин қалампир нав намуналари ва F_1 дурагайлари тўпламларини такрорий муддатда ўрганиш»** бўлимида ширин қалампирнинг 28 та нав намуналари ва 10 та F_1 дурагайлари такрорий муддатда экиб ўрганилганлиги ёритилган. Стандарт сифатида «Дар Ташкента» нави ва Жайхун F_1 дурагайи танлаб олинди. Ўрганилган навлар ва дурагайлардан 10 таси Ўзбекистонда яратилган, 11 таси Италиядан, 2 тадан Япония, Голландия, Испания, Туркия, Жанубий Корея, Россия, 1 тадан Франция, АҚШ, Молдова, Германиядан келтирилган.

Кузатувларга кўра, кўчатларнинг ёппасига униб чиқишидан меваларнинг ёппасига техник етилишигача бўлган даврнинг давомийлиги ўрганилган нав намуналарида 98-127 кунни ташкил этган.

Нав намуналари ўсув даврининг давомийлигига қараб, 3 гуруҳга ажратилган:

а) меванинг ёппасига техник пишиб етилиши 100 кунгача бўлган «Наргиза», «Тонг», PP10674, PP10676, D11200, D08018, C24177, C24043, D11000 намуналар;

б) иккинчи гуруҳга ўсув даври 125 кунгача бўлган «Дар Ташкента», «Заря Востока», «Сабо», «Юлдуз», «Шодлик», «Ласточка», «Болгарский 79», «Подарок Молдовы», «Сморогд», «Калифорнийское чудо», «Ramir», «Maxi Bell», PP10678, D10130;

в) учинчи гуруҳга ўсув даври 125 кундан кўп навга битта «Зумрад» нави киритилган.

Дурагайларнинг мевалари 102-124 кунда ёппасига техник пишиб етилди ва уларнинг барчаси ўртапишар гуруҳига киритилган.

Битта ўсимликдан олинган мевалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич C24177, C24043 навларида (11,5-14,5 дона) бўлди. Бу стандарт навга нисбатан 174,2-219,7% кўп бўлган.

Ширин қалампирнинг F₁ дурагайларида энг кўп мевалар сони F₁ Vedrana (9,2 дона), F₁ C30414B (12,0 дона) кузатилиб, уларда бу кўрсаткич стандарт дурагайга нисбатан 112,2-146,3% ошгани аниқланган.

Такрорий муддатда етиштирилган ширин қалампир нав намуналари ҳосилдорлиги бўйича энг юқори ҳосилдорлик «Зумрад», «Сабо», «Юлдуз», «Шодлик», PP10676, D11200, D08018 навларида кузатилди (31,2-35,2 т/га). Ушбу навларнинг умумий ҳосилдорлиги стандарт навга нисбатан 110,6-124,8% юқори бўлганлиги аниқланган.

Биринчи авлод дурагайларида ҳосилдорлик бирмунча юқори бўлиб, стандарт F₁ Жайхун дурагайи ҳосилдорлиги 40,9 т/га ташкил қилган. Бу кўрсаткич стандарт «Дар Ташкента» навига нисбатан 45% кўп. Стандарт дурагайга нисбатан юқори ҳосилдорлик F₁ Adriatico, F₁ Figaro, F₁ Vedrana, F₁ Dovras F₁ Pkocraft дурагайларида аниқланган ва 42,9-45,0 т/га ташкил этган. Бу стандарт дурагай ҳосилдорлигига нисбатан 104,9-110,0% кўп бўлган.

Мевалари призмасимон, техник пишганда ранги яшил, тўқ яшил бўлган «Зумрад», «Ramir», «Калифорнийское чудо», «Maxi Bell», D08018, D11000, D10130 D11520 навлари селекция ишлари учун бошланғич манба бўлиб ҳизмат қилиши ва ишлаб чиқаришда экспортбоплиги учун ажратиб олинган.

Диссертациянинг учинчи бобининг иккинчи «Такрорий муддатда етиштиришга мос ширин қалампир нав ва F₁ дурагайлари танлов синови» бўлимида 2014-2016 йилларда ширин қалампирнинг 10 та нав намуналари ва 6 та F₁ дурагайларини такрорий муддатда танлаш бўйича тажрибалар олиб борилганлиги, тадқиқотларда навлар учун «Дар Ташкента» ва дурагайлар учун F₁ Жайхун стандарт нав ва дурагай сифатида танлаб олингани ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Ўртача ҳосилдорлик стандарт «Дар Ташкента» навида 30,9 т/га ташкил этган бўлса, унга нисбатан ҳосил кўрсаткичи «Заря Востока» ва «Тонг» навларида 86,3-86,7% бўлган. Стандарт навга нисбатан ҳосилдорлик «Юлдуз», «Шодлик», D11200, D08018 навларида 119,3-126,3% кўп бўлган. Стандарт F₁ Жайхун дурагайига нисбатан энг юқори ҳосилдорлик F₁ Adriatico, F₁ Pkocraft дурагайларда 42,8-42,9 т/га (114,7-114,4%) олинган.

Ширин қалампирнинг нав намуналарини ўрганиш ва танлаш натижасида ўзининг биологик-хўжалик белгилари бўйича Бутунжахон Сабзавотчилик Марказидан олинган D08018 (ISPN08-04 от 0636-6056) линиясида танлов усули билан янги «Маржона» нави яратилган ва 2017 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган. «Маржона» нави эрта-ўртапишар бўлиб, ҳосилдорлиги 34,8 т/га ташкил этган.

Диссертациянинг «**Такрорий муддатда ширин қалампир экиш муддатлари ва схемалари**» деб номланган тўртинчи боби «Такрорий муддатда ширин қалампир экиш муддатлари, кўчатлар ёши ва тайёрлаш усули» номли биринчи бўлимида ширин қалампир бўйича ўтказилган тадқиқотларда: «Дар Ташкента», «Тонг» навларини кўчатлари икки усулда – оддий ва озиқали тувакчаларда тайёрланган; иккала етиштириш усулида кўчатлар ёши 45-50 ва 55-60 кунлик бўлган; учта – 20 июн, 1 июл ва 10 июл экиш муддатлари синаб кўрилган.

Фенологик кузатувларга кўра кўчат озиқали тувакчаларда етиштирилганда оддий усулда тайёрланган кўчатга қараганда «Дар Ташкента» навида экиш муддатлари бўйича кўчат ёши 45-50 кунлик бўлганда меваларни ёппасига пишиши 9 кунга ва 55-60 кунлик кўчатлар экилганда 10 кунга тезлашган. Тонг навида эса тегишли равишда 6 ва 9 кунга эрта пишган.

Такрорий экиш муддатлари, кўчат ёши ва етиштириш усули ширин қалампирнинг мевалари сони ва вазнига ўз таъсирини кўрсатган (1-жадвал).

1-жадвал.

Такрорий экиш муддатлари, кўчат ёши ва етиштириш усулининг ширин қалампир ўсимлиги мевалари сони ва ўртача вазнига таъсири (2010–2012 й.й.)

Экиш муддат- лари	Кўчат ёши	Дар Ташкента		Тонг		Дар Ташкента		Тонг	
		Ёппасига мева пишиш даврида							
		мевалар сони				меванинг ўртача вазни			
		дона	%	дона	%	г	%	г	%
Оддий усулда тайёрланган кўчат									
20.06.	45-50	7,5	119,0	6,6	117,9	63,3	100,5	56,4	100,4
	55-60	9,7	116,9	8,2	118,8	64,8	102,2	58,1	100,2
1.07. назорат	45-50	6,3	100,0	5,6	100,0	63,0	100,0	56,2	100,0
	55-60	8,3	100,0	6,9	100,0	63,4	100,0	58,0	100,0
10.07.	45-50	6,0	95,2	5,4	96,4	62,0	98,4	54,9	97,7
	55-60	7,6	91,6	6,2	89,9	63,1	99,5	56,2	96,9
Озиқали тувакчаларда тайёрланган кўчат									
20.06.	45-50	10,0	116,3	8,8	112,8	79,6	100,4	62,3	100,6
	55-60	12,7	115,5	11,2	119,1	80,5	100,9	63,9	100,2
1.07. назорат	45-50	8,6	100,0	7,8	100,0	79,3	100,0	61,9	100,0
	55-60	11,0	100,0	9,4	100,0	79,8	100,0	63,8	100,0
10.07.	45-50	8,2	95,3	7,4	94,9	77,9	98,2	61,6	99,5
	55-60	10,2	92,7	8,8	93,6	79,6	99,7	62,0	97,2
r=		0.99 ± 0.07				0.99 ± 0.07			

«Дар Ташкента» навининг оддий усулда тайёрланган 45-50 кунлик кўчати такрорий муддатда экилганида экиш муддатини орқага сурилиши билан мевалар сони 7,5, 6,3 ва 6,0 дона ёки назоратга нисбатан 119,0; 100,0 ва 95,2%, кўчат ёши 55-60 кунликда тегишли равишда 9,7; 8,3; ва 7,6 дона ёки назоратга нисбатан 116,9; 100,0 ва 91,6% ташкил қилган.

Кўчати озикали тувакчаларда тайёрланган «Дар Ташкента» навида экиш муддатлари бўйича кўчатлар ёши 45-50 кунлик бўлганда битта ўсимликдаги мевалар сони 10,0, 8,6 ва 8,2 дона ёки назоратга нисбатан 116,3 ва 95,3% ни ташкил этди. Кўчат ёши 55-60 кунлик бўлганда мевалар сони 12,7; 11,0 ва 10,2 дона бўлган ёки назоратга нисбатан 115,5; 100,0 ва 92,7 фоизни ташкил қилган.

Ширин қалампир кўчати озикали тувакчаларда етиштирилганда оддий усулда етиштирилган кўчатга нисбатан мева вазни 20 июнда 45-50 кунлик кўчатда 110,5%, 55-60 кунлик кўчатда 110,0%, 1 июлда 45-50 кунлик кўчатда 110,1%, 55-60 кунлик кўчатда 110,0%, 10 июлда 45-50 кунлик кўчатда 112,2%, 55-60 кунлик кўчатда 110,3% оғир бўлганлиги қайд этилган.

Ушбу тажрибада юқори ҳосил «Дар Ташкента» навида кўчат озикали тувакчаларда тайёрланганда биринчи 20.06. экиш муддатида кўчат ёшига кўра 37,9 т/га ва 48,7 т/га ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 116,7 % ва 116,5 % юқори бўлган бўлса, учинчи экиш муддатида ҳосилдорлик 30,4 т/га ва 38,6 т/га бўлиб, назоратга нисбатан 93,7% ва 92,5% камайган. Ҳар бир экиш муддатларида 45-50 кунлик кўчатга нисбатан 128,5%; 128,6% ва 126,9% юқори ҳосилдорлик 55-60 кунлик кўчатлардан олинган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Такрорий муддатда ширин қалампир экиш схемалари» номли иккинчи бўлимида ширин қалампирнинг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш учун 6 та: 70×20, 70×30, 70×40, 70×40/2, 70×50, 70×50/2 см экиш схемалари ўрганилганлиги ёритилган.


«Дар Ташкента» навида 70×30 см назорат вариантда битта ўсимликнинг озикланиш майдони 0,21 м² бўлганида бир туп ўсимликда 7,0 донадан мева бўлган ва унга нисбатан 70×20 см экиш схемасида гектардаги кўчатлар сони (71,4 минг дона) ошиши ҳисобига бир туп ўсимликдаги мевалар сони назоратга нисбатан 87,1% камайган. 70×40 см экиш схемасида бир туп ўсимликда 7,8 донадан мева бўлган ва у назоратга нисбатан 111,4% ташкил қилган бўлса, 70×40/2 см экиш схемасида уядаги мевалар сони 11,8 дона ёки назоратга нисбатан 168,6% кўп бўлган. 70×50/2 см экиш схемасида мевалар сони кўп 13,8 донани ёки назоратга нисбатан 197,1% ташкил этган.

«Дар Ташкента» навида ўсимликдаги ёки уядаги мевалар сони бўйича вариантлар орасидаги қонуният ширин қалампирни «Тонг» навида ҳам такрорланди. Барча вариантларда эгат ораси 70 см бўлиб, қатордаги кўчатлар ораси кенгайган сари тупдаги мевалар сони ошиб бориши аниқланган (2-жадвал).

Такрорий муддатда экиш схемаларининг ширин қаламбир мева сони ва вазнига таъсири (2010–2012 й.й.)

Экиш схемалари, (см)	Дар Ташкента		Тонг		Дар Ташкента		Тонг	
	Ўсимликдаги меванинг ёппасига техник пишиш даврида							
	бир уядаги мевалар сони				мевалар вазни			
	дона	%	дона	%	г	%	г	%
70×30 (назорат)	7,0	100,0	5,8	100,0	68,2	100,0	56,8	100,0
70×20	6,1	87,1	4,8	82,8	64,4	94,4	54,5	96,0
70×40	7,8	111,4	6,6	113,8	73,2	107,3	60,4	106,3
70×40/2	11,8	168,6	9,4	162,1	62,6	91,8	56,0	98,6
70×50	8,7	124,3	7,2	124,1	75,6	110,9	66,4	116,9
70×50/2	13,8	197,1	11,6	200,0	65,4	95,9	55,2	97,2
r =	0,92+0,19		0,93±0,18					

«Дар Ташкента» ва «Тонг» навларида йиллар бўйича экиш схемаларини ва уядаги кўчат сонини ҳосилдорликка таъсири бўлганлиги аниқланди. Бир тупдаги (70×20 см) ҳосил камайган схемада гектардаги туп сони кўп бўлиши ҳисобига 1 га майдондаги ҳосилдорлик ошган (1-расм).



1-расм. Ширин қаламбир ҳосилдорлигига турли экиш схемаларининг таъсири.

«Дар Ташкента» навида ўртача ҳосилдорлик гектардаги кўчат сони 71,4 минг дона 70×20 см экиш схемасида ҳосилдорлик назоратга нисбатан 123,3% кўп ёки 28,0 тонна бўлган.

Туп сони камайган 70×40 см (35,7 минг дона) схемада ҳам ҳосилдорлик назоратга нисбатан 89,9% ташкил қилган.

Туп сони ошиши ҳисобига 70×40/2 см экиш схемасида ҳосилдорлик 70×30 см схемага қараганда 116,3% кўпайган. Туп сони камайган 70×50 см схемада ҳосилдорлик назоратга нисбатан 82,4% пасайган ҳамда туп сони 2 барабар кўп бўлганда ҳосил 113,2% кўпайган.

«Дар Ташкента» нави ҳосилдорлиги «Тонг» нави ҳосилдорлигидан экиш схемалари бўйича тегишлили равишда 144,6%; 149,7%; 143,7%; 140,4%; 137,5% ва 141,2% юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш» номли учинчи бўлимида олиб борилган тадқиқот натижаларида энг юқори кўрсаткич қайд этган вариантлар назорат вариант билан бирга республиканинг Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари фермер хўжаликларида жорий этиш натижалари келтирилган. Жумладан, ширин қалампирни экиш схемаси «Олтин тола саҳоват» фермер хўжалигига жорий этилганда назорат 70×30 см схемада 1 гектардан 20 т/га ҳосил олинди, 70×40/2 см схемада назоратга нисбатан кўшимча ҳосил 5 тоннани ташкил қилган ва кўшимча 2250 минг сўм даромад қилинган.

«Найнаво оқшоми» фермер хўжалигида ширин қалампир кўчатларини 20 июнда ва 1 июлда (назорат) экиб синалганда, назорат вариантга нисбатан кўшимча ҳосил 0,5 га майдондан 1,9 т/га, кўшимча даромад эса 851 минг сўмни ташкил қилган.

Ширин қалампир кўчатларини оддий усулда (назорат) ва озиқали тувакчаларда тайёрланган кўчатлари «Адолатхон орзуси нишонаси» фермер хўжалигида жорий этилганда оддий усулга нисбатан озиқали тувакчаларда тайёрланган кўчатдан 0,5 га майдондан кўшимча 3,3 тонна ҳосил ва 1485 минг сўм даромад олинган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити ширин қалампирни такрорий экин сифатида етиштиришга қулай ҳисобланади. Биз томонимиздан такрорий муддатда ширин қалампир етиштириш имкониятлари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, ушбу муддатда етиштиришга мос нав ва дурагайлар танланди, энг мақбул экиш муддати, схемаси, кўчат тайёрлаш усули ва ёши аниқланди.

2. Такрорий муддатда ўрганилган нав ва дурагайлар меваларининг ёппасига техник етилишигача бўлган давр давомийлиги 98–127 кунни ташкил этди. Ўсув даври 100 кунгача бўлган навларга: «Наргиза», «Тонг»,

PP10674, PP10676, D11200, D08018, C24177, C24043, D11000; ўсув даври 125 кунгача бўлган навларга: «Дар Ташкента», «Заря Востока», «Сабо», «Юлдуз», «Шодлик», «Ласточка», «Болгарский-79», «Подарок Молдовы», «Сморгод», «Калифорнийское чудо», «Pamir», «Maxi Bell», PP10678, D10130; ўсув даври 125 кундан кўп бўлган «Зумрад» нави киритилди. Дурагайларнинг мевалари ёппасига техник пишиб етилиши 102-124 кунни ташкил этиши аниқланди.

3. Такрорий муддатда етиштирилган ширин қалампир навларидан энг юқори ҳосилдорлик «Зумрад», «Сабо», «Юлдуз», «Шодлик», PP10676, D11200, D08018 навларида 31,2-35,2 т/га ташкил этди ва стандарт навга нисбатан 10,6-24,8% юқори бўлганлиги аниқланган. F₁ Adriatico, F₁ Figaro, F₁ Vedrana, F₁ Dovras F₁ Pkocraft дурагайларида ҳосилдорлик 42,9-45,0 т/га ташкил этди ва стандарт дурагайга нисбатан 104,9-110,0% ошгани аниқланди.

4. Такрорий муддатда етиштириш учун ширин қалампир нав ва дурагайларини танлаш натижаларига кўра, «Сабо», «Юлдуз» навлари ва F₁ Dovras, F₁ Pkocraft дурагайлар меваларининг ёппасига техник пишиши 110-116 кунни, «Зумрад» нави ва Figaro F₁ дурагайи 130-126 кунни ташкил қилгани аниқланди, шу тариқа нав ва дурагайлар ўрта ва кечпишар гуруҳларларга ажратилди.

5. Ширин қалампир нав ва дурагайларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда стандарт «Дар Ташкента» навида ҳосилдорлик гектаридан 30,9 тоннани ташкил этди ва унга нисбатан «Юлдуз», «Шодлик», D11200, D08018 навларида ҳосилдорлик 113,7-126,3% юқори бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик F₁ Adriatico F₁ Pkocraft дурагайларидан 42,8-42,9 т/га олинди.

6. Ширин қалампир нав намуналарини ўрганиш натижасида ўзининг биологик-хўжалик белгилари бўйича Бутунжахон Сабзавотчилик Марказидан олинган D08018 (ISPN08-04 or 0636-6056) линиясидан танлаш усули билан янги «Маржона» нави яратилди ва 2017 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

7. Тадқиқотларга кўра такрорий муддатда етиштиришга мос ширин қалампирнинг ўрта ва эртапишар, истиқболли «Юлдуз», «Шодлик», D11200, D08018 («Маржона») навлари ва F₁ Adriatico, F₁ Pkocraft дурагайлари ажралиб чиқди.

8. Ширин қалампир кўчатларини озикали тувакчаларда етиштириш оддий усулга нисбатан анча самарали усул ҳисобланади. Ушбу усул оддий усулга нисбатан ўсимлик ўсув даврини 8-9 кунга қисқаришини таъминлагани аниқланди.

9. Ширин қалампир ҳосилдорлигига экиш муддати, кўчатларни етиштириш усуллари ва ёши ўз таъсирини кўрсатди. Оддий усулда тайёрланган кўчат 20 июнда экилганда назорат 1 июлга нисбатан 45-50 ва

55–60 кунлик кўчатлар ёши бўйича «Дар Ташкента» навида ҳосилдорлик 119,6% ва 119,4% ҳамда «Тонг» навида 118,3% ва 119,0% га ошди. «Дар Ташкента» нави кўчати озикали тувакчаларда тайёрланганда 20 июн экиш муддатида ҳосилдорлик кўчат ёшига мутаносиб 37,9 т/га ва 48,7 т/га ташкил этиб, назорат экиш вариантга нисбатан 116,7% ва 116,5% юқори бўлди, 10 июль экиш муддатида 30,4 т/га ва 38,6 т/га ёки назоратга нисбатан 93,7% ва 92,5% ни ташкил этгани аниқланди. Хар бир экиш муддатларида 45-50 кунлик кўчатга нисбатан 55-60 кунлик кўчатлардан 128,5%, 128,6 ва 126,9% юқори ҳосил олинди.

10. Ширин қалампирни экиш схемаларида меванинг ёппасига техник пишиш даврида бир уядаги мевалар сони «Дар Ташкента» навида назорат вариантыда 7,0 дона ва «Тонг» навида 5,8 дона бўлган бўлса, кўчат сони бир уяда иккитадан бўлган экиш схемаларида (70×40/2, 70×50/2 см) мевалар сони Дар Ташкента навида 11,8 ва 13,8 дона ёки назоратга нисбатан 168,6% ва 197,1% кўп бўлганлиги аниқланди. Майдондаги кўчатлар сони ошган сари мевалар вазни камайган. 70×50 см экиш схемасида «Дар Ташкента» навида назоратга нисбатан мева вазни 110,9% ва «Тонг» навида 116,9% юқори бўлди.

11. «Дар Ташкента» навида назорат 70×30 см экиш схемасида гектарида 22,7 тонна ҳосил олинган бўлса, кўчат сони камайган 70×40 см ва 70×50 см экиш схемаларида ҳосилдорлик назоратга нисбатан 89,9-82,4% ни ташкил қилди. Кўчат сони кўп бўлган 70×20 см (28 т/га), 70×40/2 см (26,4 т/га) ва 70×50/2 см (25,7 т/га) экиш схемаларида назоратга нисбатан ҳосилдорлик 123,3, 116,3 ва 113,2 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди.

«Тонг» навида назорат 70×30 см экиш схемасида гектарида 15,7 тонна ҳосил олинган бўлса, кўчат сони камайган 70×40 ва 70×50 см экиш схемаларида ҳосилдорлик назоратга нисбатан 90,4-86,6% ташкил қилди. Кўчат сони кўп бўлган 70×20 см (18,7т/га), 70×40/2 см (18,8 т/га) ва 70×50/2 см (18,2 т/га) экиш схемаларида назоратга нисбатан ҳосилдорлик 119,1, 119,9 ва 116,1 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди.

12. Тажриба натижаларига ва ишлаб чиқаришга жорий этилган маълумотларга таяниб такрорий муддатда ширин қалампирни етиштиришни деҳқон ва фермер хўжаликларида жорий этиш тавсия этилади. Ширин қалампирни такрорий муддатда етиштириш учун «Дар Ташкента», «Юлдуз», «Шодлик», D11200, D08018 навлари ва F₁ Жайхун, F₁ Adriatico, F₁ Pkocraft дурагайлари тавсия этилади.

13. Ширин қалампирни такрорий муддатда 20 июндан 1 июлгача, озикали тувакчаларда тайёрланган 55-60 кунлик кўчатларини 70×20 см, бир уяда иккитадан кўчат бўлган 70×40/2 ва 70×50/2 см схемаларда экиш ва етиштириш тавсия этилади.

14. Ушбу технологияларни қўллаш орқали ҳосилдорликни 20-25% оширишга ва бир гектар майдондан 2000-2500 минг сўм қўшимча даромад олишга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ОВОЩЕ- БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

РАСУЛОВ ФАХРИДДИН ФАХМУДДИНОВИЧ

**ПОДБОР СОРТОВ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ
ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ ПЕРЦА СЛАДКОГО ПРИ
ПОВТОРНОЙ КУЛЬТУРЕ**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Qx31.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

Автореферат диссертации написан на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) и размещен на веб-странице научного совета по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Хакимов Рафикжон Абдунабиевич**
Кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Дусмуратова Саодат Исмаиловна**
Доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Акрамов Умидилла Икрамджанович
Кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт растениеводства**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте по адресу: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференционный зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 533506). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел. факс: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ____ от «___» _____ 2017 года).

Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашов
Ученый секретарь совета по
присуждению учёной степени, к.с/х.н.,
доцент

М.М.Адилов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёной степени, д.с/х н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время среди овощных культур один из массово потребляемых в мире культур - перец сладкий, возделывается на площади 1,9 млн. га. Его средняя урожайность составляет 16,1 т/га и валовый урожай - 31,1 млн т. Ведущими странами - производителями перца сладкого являются Китай (15,8 млн.т.), Мексика (2,2 млн.т.), Турция (2,1 млн.т.) и Индонезия (1,7 млн.т.)¹. В странах с благоприятными климатическими условиями в целях обеспечения продовольственной безопасности и эффективного использования поливных земельных площадей путём выращивания овощей, в том числе сладкого перца в повторной культуре, обеспечение повышения урожайности и увеличения объёма производства валовой продукции за счёт применения высокоэффективных агротехнологических процессов является актуальной задачей.

В странах Южной Европы, Центральной и Южной Азии, Южной Америки и Австралии характеризующихся подходящими климатическими условиями и длительным безморозным периодом в сельскохозяйственном производстве широко практикуется возделывание овощных культур в качестве повторной культуры. Исследования, направленные на удовлетворение потребностей населения в продукции перца сладкого в полном объёме путём совершенствования технологических процессов возделывания при выращивании в качестве повторной культуры, подбор высокоурожайных, с хорошими вкусовыми и товарными качествами сортов и гибридов, определения оптимальных сроков посадки и площади питания имеют важное научное и практическое значение. Внедрение научно-обоснованной технологии выращивания перца сладкого в качестве повторной культуры в фермерских и дехканских хозяйствах позволит увеличить объём производства продукции, эффективно использовать поливные земельные площади и улучшить показатели экономической эффективности.

Системные работы по диверсификации сельского хозяйства республики, рационального использования земельных и водных ресурсов, а также производство экспортоориентированной продукции показывает свою эффективность по увеличению прибыли дехкан², в отраслях овощеводства проводятся широкомасштабные реформы, особое внимание уделяется расширению земельных площадей под культурой перца сладкого и повышению её урожайности, а также внедрению новых сортов и гибридов в сельскохозяйственное производство. В результате население республики обеспечено богатой витаминной продукцией перца сладкого. Однако научным исследованиям, направленным на эффективное использование поливных земельных ресурсов на основе совершенствования технологии возделывания перца сладкого после уборки зерновых-колосовых культур не уделялось достаточного внимания. В стратегии действий по пяти приоритет-

¹ <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

² <http://www.prezident.uz./nutqlar>

ным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 г.г. отмечено «...дальнейшая оптимизация посевных площадей, направленная на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые-колосовые культуры, с размещением на высвобождаемых землях картофеля, овощей». В этой связи, важным направлением является проведение научных исследований по возделыванию перца сладкого как повторной культуры после уборки зерновых-колосовых культур, когда вегетационный период длится с начала летних месяцев до наступления заморозков в осенний период. Таким образом, в течение года с единицы земельной площади можно получать по два урожая сельскохозяйственных культур.

Исследования данной диссертации в определённой степени будут способствовать реализации Указа Президента Республики Узбекистан ПК-3027 от 1 июня 2017 года «О мероприятиях по размещению в 2017 году повторных культур на освобождающихся площадях от зерновых-колосовых культур, своевременному обеспечению требуемых материально-технических ресурсов для посева», а также установленных заданий в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

